

## ТИЖОРАТ БАНКЛАР ТОМОНИДАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Қ.Назаров - ТДИУСФ «Бухгалтерия ҳисоби, молия ва солиқ» кафедраси асистенти,

**Аннотация** Тижорат банкларининг кредитлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаси доирасида янги объектларни қуриш ҳамда техника ва технологияларни сотиб олиш харажатларининг асосий қисми молиялаштирилади. Ўз навбатида, тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларини кредитлаш самарадорлигини ошириш банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш ва инвестиция лойиҳалари рискларини бошқаришни такомиллаштириш зарурятини юзага келтиради.

Мақолада тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, кредит, кредитлаш самарадорлиги, инвестиция лойиҳаси, риск, фоиз ставкаси, инфляция.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, кредит, эффективности кредита, инвестиционный проект, риск, процентная ставка, инфляция.

**Key words:** commercial banks, credit, credit efficiency, investment project, risk, interest rate, inflation.

### 1. КИРИШ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банклари томонидан истиқболли инвестиция лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурый шартларидан бири сифатида эътироф этилган [1]. Мамлакатимиз иқтисодиётини ўсишида тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари тижорат банклари кредитлари ёрдамида молиялаштирилмоқда, янгидан-янги инвестицион лойиҳалар асосида фаолият қўрсатувчи корхоналар ташкил этилмоқда, янги технологияларга асосланган ишлаб чиқаришлар ва хизмат турлари жорий

етилиб, турли хилдаги янги маҳсулот турлари яратилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш самарадорлигини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Хозирги даврда тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар микдорининг катта эканлиги, кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги банкларнинг кредитлаш самарадорлигини паст эканлигидан далолат беради.

## **2. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.**

Проф. О.И. Лаврушиннинг фикрига кўра, кредитнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд бўлиб, улар орасида муаммоли кредитлар ва кредитларнинг даромадлиигини тавсифловчи кўрсаткичлар мухим ўрин эгаллайди [2].

Проф. Н.Э. Соколинскаянинг хulosасига кўра, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади [3].

С.Вайн ўз тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда кредитлар бўйича ташқил этиладиган захираларнинг даражасини мухим ўрин тутишини эътироф этган [4].

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки эксперларининг тавсиясига кўра, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредитлардан кўрилган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражаларини таъминлаш ва кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг барқарорлигига эришиш мухим аҳамият касб этади [5].

Ж.Синкиннинг фикрига кўра, тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашда кредит оловчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш асосий ўринни эгаллайди [6].

Т.Мазуринанинг хulosасига кўра, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш самарадорлигини таъминлаш учун қуидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши лозим:

- давлатнинг самарали инвестиция ва саноат сиёсатининг мавжуд бўлиши;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган рисклар даражасини пасайтириш имконини берадиган инвестициялар инфратузилмасини ривожланганлиги;
- корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш [7].

И.Алимардоновнинг фикрича, кредитлаш самарадорлигини ошириш учун молиявий коэффициентлар таркибига қўшимча равища фойда меъёри коэффициентларини, қарзга хизмат кўрсатиш коэффициенти ва кредитор

қарздорликнинг айланиш коэффициентини киритиш йўли билан мижозларининг кредит тўловига лаёқатлилигини аниқлаш методикасини такомиллаштириш зарур [8].

Ҳ.Отамуродовнинг фикрига кўра, кредит потенциали ва берилган кредитларнинг таркиби мутаносиблигини таъминлаш тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш имконини беради

### **3. ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**


Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, гурухлаш ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг ахборот манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

### **4. ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР**

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш, хотинқизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 281 мингдан ортиқ лойиҳага жами 48,4 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Мазкур йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб 17.0 мингта лойиҳасини молиялаштириш учун 2,9 млрд. АҚШ доллари (2019 йилда: 2,1 млрд. АҚШ доллари, 12 мингта лойиҳа) миқдорида, жумладан, тўғридан-тўғри (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан 14.0 мингтадан ортиқ лойиҳага 2,5 млрд. АҚШ доллари (84 фоиз) миқдорида (2019 йилда: 1,57 млрд. АҚШ доллари, 74 фоиз) кредитлар ажратилди [10].



**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари умумий**

**кредитларининг ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг улуши, % [11]**

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллаган.

1-расм маълумотларидан кўринадики, 2018-2020 йилларда республикамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасида инфляция даражасининг юқори эканлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги инвестицион кредитларининг фоиз ставкасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

#### **1-жадвал**

#### **Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва тижорат банкларининг миллий валютадаги инвестицион кредитларининг ўртacha йиллик фоиз ставкаси[12]**

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Инфляция даражаси	14,3	15,2	11,1
Миллий валютадаги инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаси	20,9	23,8	22,5

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлган.


Ўзбекистонда миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори даражада эканлиги банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилган кредитларни қайтаришда муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Муаммонинг моҳияти шундаки, миллий валютанинг қадрсизланиш

суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди.

Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Бунинг устига, банклар томонидан берилган кредитларни қайтмаслиги тўловсизлик муаммосини янада чуқурлашишига хизмат қиласди.

Шунингдек, инфляция даражасининг ошиши ҳам тижорат банкларини кредитларнинг фоиз ставкасини оширишга мажбур қиласди. Чунки, инфляция даражасининг ошиши тижорат банкларининг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг реал қийматини пасайишига сабаб бўлади. Иқтисодиётда инфляция даражасининг юқорилиги тадбиркорлар қўлидаги молиявий ресурслар даромадлилиги ва қийматини пасайтириши сабабли улардаги тақчилликни кредит ресурслари билан қоплашдаги зарурият ва муаммоларни келтириб чиқаради. Зоро, фаолияти, асосан, жалб этилган маблағлар асосига курилган банкларнинг тижорат иши уларни инфляция суръатидан юқори қийматда кредитлашга мажбур этадики, бу ҳолат инқироз сари бораётган тадбиркорларни янада танг ахволга солиб қўяди.



**2-расм. Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси ва иқтисодиётнинг пул маблағлар билан таъминланганлик даражаси<sup>1</sup>, фоизда**

2-расмда келтирилган маълумотларидан кўринадики, республикамизда инфляция даражаси юқори бўлиб, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлиги паст даражада қолмоқда.

Инфляция даражасининг юқори эканлиги озиқ-овқат саноати корхоналарида маҳсулотлар таннархининг юқори бўлишига олиб келмоқда.

<sup>1</sup> Расм муаллиф томонидан [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) сайти (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида тузилган.

Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги озиқ-овқат саноати корхоналарининг дебитор қарздорлигини айланиш тезлигини паст бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмнинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги озиқ-овқат саноати корхоналарининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Хусусан, мазкур корхоналарнинг импорт тўловлари билан боғлиқ харажатлари миқдорининг ошишига олиб келмоқда.

Йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида берилган кредитларни, комплекс экспертиза қилишдаги хатоликлар, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилинмаганлиги, лойиҳаларни тўла қувватда ишламаслиги, миллий валютанинг қадрсизланиш суръати ва инфляция даражасининг юқори эканлиги каби сабаблар туфайли қайтмаганлиги муддати ўтган кредитлар миқдорининг ошиб боришига сабаб бўлди. Масалан, айрим лойиҳаларни амалга ошириш учун инновацион товар ишлаб чиқариш имконини берадиган янги техника ва технологиялар олиб келинган. Аммо ушбу техника ва технологиялар сифатли хом-ашёлар билан таъминланмаган.

Трастбанкнинг сўнгти 10 йиллик фаолияти (2011-2020 йй.) кўрсаткичлари бўйича бажарилган эконометрик таҳлиллар асосида мазкур банк инвестицион кредитларининг муаммоли қарздорликларини қоплаш бўйича яратилган захира фонди харажатларининг 1 сўмга ошиши инвестицион кредитлашдан олган даромад ҳажмининг ўртача 0,016 сўмга камайишига ҳамда депозит ва жамғармалар бўйича мажбуриятларнинг 1 сўмга ошиши инвестицион кредитлашдан олган даромад ҳажмининг ўртача 1,57 сўмга ошишига олиб келади. Бошқа омилларни ҳисобга олмаган ҳолда, сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръатини 1 фоизга ўсиши тижорат банкларини кредит портфелини 0,52 фоизга, марказий банкнинг миллий валютадаги депозитларга нисбатан мажбурий захира ставкаси 1 фоизга ошиши тижорат банкларини кредит портфелини 7,19 фоизга ҳамда марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси 1 фоизга ошиши эса, тижорат банкларини кредит портфели 7,53 фоизга камайишига олиб келади. Бироқ, инфляциянинг йиллик даражаси 1 фоизга ошиши эса, тижорат банкларини кредит портфели 5,69 фоизга ўсишига олиб келади. Умуман олганда, бошқа омилларни инобатга олмаган ҳолда сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан йиллик девальвация суръати, инфляциянинг йиллик даражаси, марказий банкнинг миллий валютадаги депозитларга нисбатан мажбурий захира ставкаси ва Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражаси омиллар бир вақтни ўзида 1 фоизга ўсиши тижорат банкларини кредит портфелини 9,55 фоизга камайишига олиб келади.

Трастбанк хусусий акциядорлик банки даромадларининг асосий қисми банк кредитлари, жумладан, инвестицион кредитлар ҳисобига олинмоқда ва қимматли қофозларга инвестициялар банк фаолиятининг аҳамиятли қисмини

ташкил этмаяпти. Ушбу ҳолат банкни жаҳон амалиётида банклар учун сезиларли даромад манбай бўлган инвестицион фаолият даромадларидан маҳрум қилмоқда. Бунга, бир ҳисобдан, мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг тўла ривожланмаганлиги ва бошқа омиллар таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, банкнинг хусусий капитали ҳажмининг ошиб бориши инвестициялар ҳажми ўзгаришини етарли даражада ижобий рағбатлантиrolмаяпти. Бу эса банкнинг эмиссион ва инвестицион сиёsatлари ўзаро мутаносиб эмаслиги, банкнинг хусусий капитали ошиб бориши банкнинг бошқа акциядорлик жамиятларидаги улуший капиталининг етарли даражада ўсишига олиб келмаётганлигини билдиради.

Трастбанк хусусий акциядорлик банкининг кредит ва инвестиция операциялари самарадорлигини ижобий баҳолаш мумкин. Жумладан, инвестицион кредитлар даромадлилигининг жами кредитлар даромадлилигидан юқори эканлиги инвестицион кредитлаш операцияларининг бошқа турдаги кредит операцияларига нисбатан юқори самарадорликка эга эканлигини ифодалайди. Инвестиция маблағлари банк активларида сезиларли улушга эга бўлмасада, инвестицион кредитларга нисбатан кўпроқ самара келтирган.

## 5. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитлар юқори салмоқни эгаллаган. Аммо, мазкур даврда республикамиз тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикасида 2018-2020 йилларда инфляция даражасининг юқори бўлганлиги тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори бўлишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда миллий валютанинг қадрсизланиш суръати юқори даражада эканлиги банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилган кредитларни қайтаришда муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст бўлиши тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди. Бу эса, тижорат банклари томонидан берилган инвестицион кредитларни ўз вақтида қайтаришга тўқсинглик қилмоқда.

Ўзбекистон тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини кредитлаш самарадорлигини таъминлаш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлаш жараёнида юзага келадиган рискларнинг даражасини пасайтириш мақсадида, **биринчидан**, маркетинг тадқиқотлари сифатини ошириш йўли билан маҳсулотларга бўлган талабни прогнозлаш аниқлигини ошириш лозим;

**иккинчидан**, лойиҳа ташабускорининг репутациясига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо бериш керак; **учинчидан**, лойиҳани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида графикка риоя қилинишини доимий мониторинг қилиб бориш лозим.

2. Таснифланган инвестицион кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан инвестицион кредитлардан кўрилган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг меъёрий даражасини таъминлаш мақсадида инвестицион кредитлар учун олинаётган гаров объектларининг ликвидлилигига, мижозларнинг пул оқимини барқарорлигига, мижозларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини умумий пул оқимини баҳолаш асосида аниқлаш лозим.

2016-2020 йилларда республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида инвестицион кредитлардан кўриладган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан юқори бўлган. Бу эса, мазкур банкларнинг инвестицион кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезон сифатида ссудалардан кўрилган заарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси бўйича Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки эксперtlари томонидан тавсия этилган меъёрий даража (1,0%) қабул қилинган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
2. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. – М.: КНОРУС, 2008. – С. 36-37
3. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. - №9. – С. 18-19.
4. Вайн С. Оптимизация ресурсов современного банка. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – С. 150-151.]
5. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org) – Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки.
6. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 - 486.
7. Мазурина Т.Ю. Банковское инвестиционное кредитование: современное состояние, проблемы и перспективы развития// Деньги и кредит. – Москва, 2013. - №4. – С. 33.
8. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд.эт. дисс.

автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 28.

9. Отамуродов X.X. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 24.
10. Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг 2020 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот (Б. 55-56). [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).
11. Тижорат банклари кредитлари. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
12. Пул-кредит сиёсати. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz).